

## Зоҳид бўл!



08:00 / 09.02.2021 2269

Ҳузайма Абу Муҳаммад айтади: «Бир киши Муҳаммад ибн Восийга: «Менга маслаҳат бер», деган эди, «Дунёю охиратда фаришта бўл», деб жавоб берди. Сўраган одам «Қандай қилиб?» деди. У: «Дунёда зоҳид бўл», деди».

Ҳақиқий шукрона

Абдулазиз ибн Абу Равод айтади: «Муҳаммад ибн Восийнинг қўлига яра чиққан экан. У жароҳатни кўриб, ачинганимни билди-да, «Бу яра сабабли менга қандай неъмат етишини биласанми?» деди. Мен сукут сақладим. У: «Ахир бу яра кўз қорачиғимга ҳам, тилимга ҳам, фаржимга ҳам чиқиши мумкин эди-ку», деди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**